

“O`ZVAGONTA`MIR” АЖ тафтиш комиссиясининг

2023 йил якуни бўйича ХУЛОСАСИ

2024 йил 3 июнь

Тошкент шахри

Тафтиш комиссияси раиси А.А. Шакиров ҳамда аъзолари Р.Р. Ходжабеков ва Ж.Н. Синдаровлар томонидан 2023 йил йиллик даврининг молиявий ҳисоботлари куйидаги шакллар асосида кўриб чиқилди:

- Бухгалтерия баланси (1-сонли шакл)
- Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сонли шакл)

“O`ZVAGONTA`MIR” АЖ устав капитали 2 968 227 минг сўмни ташкил этади. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳисоб стандартлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади.

2023 йил 31 декабр ҳолатига ходимлар сони 700 кишини ташкил этган. 2022 йил шу даврига нисбатан ходимлар сони 19 кишига камайган.

2023 йил 31 декабр ҳолатига ўртача ойлик иш ҳақи 5 692 366 сўмни ташкил этган. 2022 йил 31 декабр ҳолатига нисбатан 1 614 752 сўмга ошган.

2023 йил йиллик даври мобайнида “O`ZVAGONTA`MIR” АЖ даромадлари жами бўлиб 84 731 628 минг сўмга тенг. Шундан,

- Асосий фаолиятини даромадлари – 83 508 616 минг сўмни,
- Бошқа даромадлар – 1 223 012 минг сўмни,

Жамиятнинг 2023 йил 31 декабр ҳолатига жами бўлиб харажатлари 84 227 838 минг сўмни ташкил этган. Шулардан,

– Сотилган маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи 71 953 337 минг сўмни;

- Давр харажатлар жами бўлиб 12 274 501 минг сўмни ташкил этган.

Шундан:

- маъмурий харажатлар – 5 943 568 минг сўмни;
- бошқа операцион харажатлар – 6 330 933 минг сўмга тенг.

Фойда солиғи – 179 211 минг сўм.

2023 йилда солиқларни тўлагунга қадар фойда 503 790 минг сўмни ташкил этган. Солиқлар тўлангандан кейинги соф фойда эса 324 579 минг сўмни ташкил этади.

2023 йил 1 январ ҳолатига асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 17 544 938 минг сўмга тенг бўлган бўлса, эскириш қиймати 10 551 753 минг сўмни, қолдиқ қиймати эса 6 993 185 минг сўмни ташкил этган. Ҳисобот даври охирида яъни 31 декабр ҳолатига эса асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 17 322 603 минг сўмни, эскириш қиймати 11 461 920 минг сўмни, қолдиқ қиймати эса 5 860 683 минг сўмни ташкил этган.

2023 йил 1 январ ҳолатига дебитор қарздорлик 5 624 675 минг сўмни ташкил этган бўлса ҳисобот даври охирида 3 859 358 минг сўмга ошиб 31 декабр ҳолатига 9 484 033 минг сўмни ташкил этди. Муддати ўтган дебитор қарздорлик мавжуд эмас.

2023 йил 1 январ ҳолатига кредитор қарздорлик суммаси 13 601 798 минг сўмни ташкил этган бўлса 2023 йил 31 декабр ҳолатига эса 8 158 528 минг сўмга кўпайиб 21 760 326 минг сўмни ташкил этган. Муддати ўтган жорий кредитор қарздорлик мавжуд эмас.

Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг (кейинги ўринларда-Қонун) 9-бобига мувофиқ тузилиши лозим.

Қонуннинг 87-моддасига мувофиқ, Жамиятнинг аффилиланган шахси билан тузиладиган битим тўғрисидаги, тузилиши кутилаётган битим тарафининг ёзма билдиришида кўрсатиладиган ахборот жамиятнинг ижроия органи ва ички аудит хизмати (агар у мавжуд бўлса) томонидан ўрганилади.

Ўрганиш натижалари баённомада расмийлаштирилади. Баённомада битимнинг юридик, молиявий, техник ва бошқа муҳим жиҳатлари ҳамда унинг жамият фаолиятига кўрсатиши мумкин бўлган таъсири назарда тутилган бўлиши кераклиги белгиланган.

Жамият томонидан тақдим этилган маълумотномага асосан 2023 йил якуни бўйича электрон дўкон орқали жами 312 та шартнома тузилган бўлиб, **йирик битим тузилмаган.**

Фақатгина, 4 дона аффилиланган шахслар яъни “Темирйўленилғитаъмин”-НХ, билан 2023 йил 4 январда юк вагонлари эҳтиёт қисмлари сотиб олиш бўйича “Темирйўленилғитаъмин” бошқармаси-ТЭР билан 2023 йил 6 январда дизел ёқилғисини сотиб олиш бўйича, “Қуюв механика заводи” АЖ билан 2023 йил 13 октябрда юк вагонлари эҳтиёт қисмларини 1 120 000 минг сўмга сотиб олиш бўйича ҳамда “Ўзтемирйўлмаштаъмир” АЖ билан 2023 йил 11 октябрда шецтирнага ишлов беришга 186 773,44 сўмга тўғридан-тўғри шартномалар тузилган.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги ПҚ-329-сон қарорнинг 14-бандига асосан 2026 йил 1 январга қадар “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг таркибидаги корхоналарга ўзаро тўғридан-тўғри шартномалар асосида товарларни сотиш, ижарага бериш, харид қилиш, етказиш, иш (хизмат)ларни бажаришга рухсат берилган.

“Ўзвагонтаъмир” АЖ
тафтиш комиссияси раиси



А.А. Шакиров

Тафтиш комиссияси аъзолари

Р.Р. Ходжабеков



Ж.Н. Синдаров